

## “ТАСДИҚЛАНГАН”

“Olmaliq kon-metallurgiya kombinati”  
акциядорлик жамияти  
Ягона акциядори  
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт  
ва молия вазирлиги  
Иқтисодиёт ва молия вазири  
ўринbosари

Х. Мустафаев



август

## АКЦИЯЛАРНИНГ ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТҮҒРИСИДАГИ ҚАРОР

“Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” акциядорлик жамияти

Идентификация рақами берилди:

R 4 1 1 6 R 0 3 6 6 T 0

Эгасининг номи ёзилган, хужжатсиз шаклдаги, номинал қиймати 3 914 (уч минг тўйқуз юз ўн тўрт) сўм бўлган 686 797 490 194 (олти юз саксон олти миллиард етти юз тўйқсон етти миллион тўрт юз тўйқсон минг бир юз тўйқсон тўрт) сўмлик 175 472 021 (бир юз етмиши беш миллион тўрт юз етмиши икки минг йигирма бир) дона оддий акциялар.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Акцияларниң ушбу чиқарилиши XVI (ўн олтинчи) чиқарилишdir.

“Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” акциядорлик жамиятининг ягона акциядорнинг 2024 йил 19 августрдаги Қарорига мувофиқ қўшимча акциялар чиқарилиши түғрисидаги қарор тасдиқланган (ягона акциядорнинг №3 сонли қарори)

“Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” акциядорлик жамиятининг ягона акциядорнинг 2024 йил 19 августрдаги Қарорига мувофиқ қўшимча акциялар чиқарилиши түғрисидаги қарор тасдиқланган (ягона акциядорнинг №3 сонли қарори)

Эмитентнинг жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 53-уй

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 110100, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 53-уи

Мулоқот телефонлари: 70 619 52 85, 998 93 182 56 88.

Электрон почта манзили: [info@agmk.uz](mailto:info@agmk.uz), [shx.nazarova@agmk.uz](mailto:shx.nazarova@agmk.uz)

БОШҚАРУВ РАЙСИ

БОШ БУХГАЛТЕР

А. ХУРСАНОВ

Н. ТЕН

Сана: 2024 й. “10” сенгасорь

## “РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

“Ўзбекистон Республикаси  
Истиқболли лойиҳалар миллий  
агентлиги”

Директорининг биринчи ўринbosари

В. Пак

2024 йил “31” ОКТЯБРЬ

РО366-16 сон

М.Ў.



**1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): Оддий.**

**2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: Ҳужжатсиз.**

**3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 3 914 сўм.**

**4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 175 472 021 дона.**

**5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 686 797 490 194 сўм.**

**6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:**

Жамиятнинг ушбу чиқарилишдаги оддий акциялари эгалари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

Инвестиция воситачидаги депо ҳисобварагидан ўзига тааллукли кўчирма олиш;

Жамият фойдасининг бир қисмини дивиденdlар тарзида олиш;

Жамият тутатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш,

Олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

Кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

Ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

Ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

Қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;

Ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш;

Жамият акциялари акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига бериш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва жамият Устави билан белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

**7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олининишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:**

Кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна йўли билан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига жойлаштирилади.

**8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 2 121 961 761 088,0 сўм.**

**9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):**

Чиқарилган акцияларнинг умумий сони: 542 146 592 дона.

Шундан:

- эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – 533 148 360 дона;

- эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар – 8 998 232 дона.

**10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):**

1 – чиқарилиши: 200 000 дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз фоизли облигациялар

(Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг 04.07.2005 йилдаги 15-07/071 – сон қарори билан сўндирилган).

2 - чиқарилиш: 300 000 дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз фоизли облигациялар (Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг 04.09.2006 йилдаги 15-07/065 – сон қарори билан сўндирилган)

## **11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.**

### **11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):**

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали куйидаги тартибда жойлаштирилади:

- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига 175 472 021 дона.

### **11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:**

“Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор” давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 120 (бир юз йигирма) кун давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – “Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор” давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги хабар қонунчиликка мувофиқ эълон қилинган кун.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишдаги сўнгти акцияни жойлаштириш санаси бўлиб ҳисобланади, лекин ушбу сана “Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор” давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 120 (бир юз йигирма) кундан ошмаслиги лозим.

### **11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:**

Ушбу чиқарилишдаги қўшимча акциялар қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси савдо майдончасида унинг қимматли қоғозлар билан савдо ўтказиш қоидаларига мувофиқ битим тузиш орқали Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига жойлаштирилади

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш бўйича андеррайтерлар жалб қилинмайди.

### **11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳукуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳукуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:**

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси тўғрисидаги маълумотлар:

тўлиқ фирма номи - “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” акциядорлик жамияти,

жойлашган жойи ва почта манзили: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ қўчаси, 107-үй.

телефон: (998 71) 211 - 09-09,

электрон почта: [info@uzcsd.uz](mailto:info@uzcsd.uz)

веб-сайт: [www.uzcsd.uz](http://www.uzcsd.uz)

Жамият билан амалдаги шартномага эга, акциядорларга бўлган ҳукуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси ҳақида маълумот:

тўлиқ фирма номи: “Mulk-sarmoya brokerlik uyi” акциядорлик жамияти,

жойлашган жойи ва почта манзили - 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани,

Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-й.

телефон: (998 71) 267 - 35-20;

электрон почта: [info@ndvakt.uz](mailto:info@ndvakt.uz);

веб-сайт: [www.msbu.uz](http://www.msbu.uz);

Касбий фаолият билан шуғулланиш учун лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, ушбу лицензияни берган орган: Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун 2018 йил 4 июлда берилган 1328-сонли лицензия, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан чекланмаган амал қилиш муддати билан берилган.

**11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли хукуқни амалга ошириш тартиби:**

Мазкур чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда имтиёзли сотиб олиш хукуқи кўзда тутилмаган.

**11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:**

Ушбу чиқарилишдаги акциялар бозор қийматида яъни 69 499 (олтмиш тўққиз минг тўрт юз тўқсон тўққиз) сўмдан жойлаштирилади.

**11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:**

Ушбу чиқарилишдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги ПҚ – 4731 Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг “Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” акциядорлик жамияти конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг I – босқичини амалга ошириш доирасида тузилган шартномаларни инобатга олган ҳолда сотиб олинадиган акцияларни ўрнатилган тартибда қўшимча эмиссия қилиш ҳисобига жамиятнинг устав капиталига йўналтирилган қисми ҳисобидан амалга оширилади.

**11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:**

Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 90 (тўқсон) кун давомида қайтарилади.

**12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:**

Мазкур “Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор” рўйхатга олингандан сўнг Қарорнинг қонунчиликда белгилаб ўтилган бандлари ўрнатилган тартибда:

- Корпоратив ахборот ягона портали ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) веб-сайтига;
- РФБ “Тошкент” ахборот портали ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)) веб - сайтига;
- Жамиятнинг ([www.agmk.uz](http://www.agmk.uz)) веб-сайтига жойлаштириш орқали ошкор қилинади.

“Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор”нинг асл нусхаси (жумладан электрон нусхаси) билан қўйидаги манзилларда танишиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 53.

**13. Бошқа маълумотлар. Кўзда тутилмаган.**